

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ийдул Азҳо куннда



20:51 / 30.07.2020 3631

Араблар Қурбон ҳайитини «Ийдул Азҳо», Рамазон ҳайитини эса «Ийдул Фитр» деб аташади.

Аслида «ийд» сўзи луғатда «қайтиш» деган маънони англатади. Ушбу икки байрам йил давомида қайтиб келиб такорланавергани учун ҳам шундай аталган.

Аллоҳ таоло мусулмонлар учун шавволнинг биринчи ва зулҳижжанинг ўнинчи кунини хос байрам қилиб берди.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага келганларида уларнинг ўйин-кулги қиладиган икки кунлари бор эди. «Бу икки кун қандай кун?» деб сўрадилар. «Жоҳилиятда ўйнайдиган кунимиз эди», дейишди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, Аллоҳ сизларга у иккиси ўрнига улардан кўра яхши Азҳо ва Фитр кунларини берди», дедилар”.

«Сунан» эгалари ривоят қилишган.

Қурбон ҳайитига байрам сифатида ундан кейинги «ташриқ кунлари» деб аталувчи уч кун ҳам қўшилади.

Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Арафа куни, қурбонлик куни ва ташриқ кунлари биз аҳли Ислоннинг байрамимиздир. У кунлар еб-ичиш кунларидир», дедилар”.

«Сунан» эгалари ривоят қилишган.

Кўпчиликда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу байрам кунларини қандай ўтказганлар, деган савол туғилиши мумкин.

Қуйида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Ийдул Азҳо - Қурбон ҳайити куни қилган 10 та амалларини эътиборингизга ҳавола қиламиз:

1. Қурбон ҳайити куни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ғусл қилар эдилар.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Рамазон ҳайити куни ва Қурбон ҳайити куни (албатта) ғусл қилар эдилар».

(Ибн Можа ривоят қилган).

2. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Қурбон ҳайитида қурбонлик қилишдан олдин ҳеч нарса емасдилар.

Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Фитр куни таомлангунларича (фитр намозига) чиқмас эдилар ва Қурбонлик куни намоз ўқиғунларича таомланмас эдилар».

(Термизий ривояти).

3. Масжидга пиёда чиқар эдилар.

Абу Рофеъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икки ҳайит намозига пиёда чиқар эдилар».

(Ибн Можа ривоят қилган).

4. Ҳайит намозига ёш болалар билан бирга ҳам чиқар эдилар.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан: «Мен Фитр ёки Қурбонлик куни Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга (намозга) чиқдим», деган ҳадис ривоят қилинган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этган пайтда Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо ҳали ёш бола эдилар.

5. Масжидга кетишда таҳлил ва такбирни овоз чиқариб айтиб борар эдилар.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам икки ҳайитда масжиддан чиқар эдилар ва то намозгоҳга боргунларича такбир айтар эдилар».

(Ҳоким «Мустадрок»да ривоят қилган).

6. Иккала ийд намозидан олдин ҳам бирорта нафл намоз ўқимас эдилар.

Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳайит намозидан олдин ҳеч нарса ўқимас эдилар, манзилларига қайтганларида икки ракъат намоз ўқир эдилар».

(Ибн Можа ривоят қилган).

7. Хутбани жумадан фарқли равишда намоздан кейин қилар эдилар.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ҳам, Абу Бакр, Умар ва Усмон розияллоҳу анҳулар билан ҳам ҳайит намози ўқиганман, барчалари ҳайит намозини хутбадан олдин ўқир эдилар».

(Бухорий ривоят қилган).

8. Хутбалар пайтида одамларга ваъз-насиҳат қилиш билан бирга уларни вазифаларга тайинлар, баъзи масалаларни ҳал этардилар.

Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Фитр ва Қурбонлик кунлари намозгоҳга чиқар эдилар. Аввал бошлайдиган ишлари намоз ўқиш бўларди. Сўнгра бурилар ва одамлар билан юзма-юз турар эдилар. Кишилар саф-саф бўлиб ўтиришарди. Уларга ваъз-насиҳат қилиб, (туғри йулга) буюрар эдилар.

Агар бирор жойга юбориладиган кишиларни ажратмоқчи бўлсалар, ажратар эдилар ёки бирор нарсага буюрмоқчи бўлсалар, буюрар эдилар. Сўнгра ортга қайтар эдилар”.

(Бухорий ривоят қилган).

9. Намозгоҳга бир йўлдан бориб, бошқа йўлдан қайтар эдилар.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳайит куни (бориш ва қайтиш) йўлларини бошқа-бошқа қилар эдилар».

(Бухорий ривоят қилган).

10. Қурбонликни ҳайит намозидан сўнг қилар ва бошқаларни ҳам шундай қилишга буюрар эдилар.

Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким намоздан олдин қурбонлик қилса, у ўзига қўй сўйибди. Ким намоздан кейин сўйса, қурбонлигини мукамал қилибди ва мусулмонларнинг суннатини топибди», дедилар”.

(Бухорий ва Муслим ривоят қилишган).

Бу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Қурбон ҳайитига оид суннатларидан қисқача намуна эди.

Аллоҳ таоло ҳар биримизни барча ишда ул зот соллаллоҳу алайҳи васалламга эгашувчи инсонлардан қилсин!

